



## QAROR VA IJRO

Ўзбекистоннинг эртанги куни, тараққиёт, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни қандай бўлиши ҳам ортимизда турган ёшларга боғлиқ. Шу сабабдан юртимизда баркамол авлод тарбиясига доимо биринчи галдаги вазифалардан бири сифатида қараб келинмоқда.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги 360-сонли қарори қабул қилинганлигига икки ярим йил тўлди. Утган давр мобайнида ушбу қарор асосида ташкил топган ҳукумат комиссияси томонидан ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар, ички ишлар, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва бошқа вазирликларнинг тегишли таркибий тузилмалари фаолияти мувофиқлаштириб борилди. Аини шу мақсадларда барча вилоятларга чиқилиб, болаларнинг ҳуқуқи ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган турли тадбирлар амалга оширилди.

Эътиборли томони шундаки, ушбу давр мобайнида комиссиялар томонидан вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Эндиликда ҳудудий комиссиялар вояга етмаганлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий-иқтисодий дастаклардан бирмунча унумли фойдаланишмоқда.

Кўрилган чоралар туфайли таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига кўрсатилган ҳимойлик ёрдами деярли икки баробарга ошди, уларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун ер майдонлари ажратилиб берилди. Мухими, ҳеч қаерда ўқимасдан, ишламасдан юрган вояга етмаганларни аниқлаб, бандлигини таъминлаш чоралари кўрилиб, бу тоифадаги ўсмирлар сони бирмунча камайди. Жумладан, Жиззах вилоятида фермерлик ва кичик бизнес имкониятидан омилкорлик билан фойдаланилиб, 13 минг нафардан зиёд вояга етмаганлар иш билан таъминланган.

Сурхондарё вилоятида намунали мактаблар кўрик-танловларини мунтазам ўтказиш йўлга қўйилган. Андижон вилоятининг Асака шаҳрида ташкил этилган «Ёшлар маркази»да эса ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш хоналари самарали фаолият кўрсатган.

Наманган вилоятида мунтазам ўтказилаётган оммавий спорт тад-

сўнги икки йилда жами 5 минг ўринли 18 та мактаб қурилиши тамомланган. Ушбу хайрли ишлар, шубҳасиз, йиллар давомида пайдо бўлган қатор муаммоларни бартараф этиш имкони бор.

Албатта, қилинган ишлар кўп, ammo бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Биргина вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларга назар ташласак, бу борада ишларимиз ҳали талаб даражасида эмаслигини кўриш мумкин. Утган йилда ўсмирлар орасида жиноятчилик Фаргона вилоятида 5 фоизга, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сирдарё вилоятида 10, Тошкент вилоятида 18 фоиз, мамлакат бўйича эса 0,8 фоизга кўпайган.

Афсуски, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирликларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича куйи орган-

марадорлигини ошириш, ўқув-моддий базасини мустақкамлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Бунинг устига, қатор вилоятларда педагоглар етишмаслиги муаммоси бор. Шу сабабли кўплаб мактабларда хорижий тиллар ўқитилмаяпти, айрим фанлардан ўтилаётган дарслар эса ушбу фан бўйича мутахассислиги бўлмаган ўқитувчилар томонидан олиб берилмоқда. Бундай ҳолатлар ўқувчиларнинг чуқур билим олишлариغا тўсқинлик қилмоқда. Масалан, Хоразм вилоятидаги айрим мактабларда фанларни ўзлаштириш даражаси бирмунча пасайиб кетган. Хазорасп, Богот, Урганч, Хонқа ва Хива туманидаги 8 та мактабнинг 256 нафар битирувчисидан биронтаси ҳам утган йили олий ўқув юртига кира олмаганлиги бунинг исботидир.

Ижтимоий муҳофаза масалала-

ва Навоий вилоятларининг давлат идораларида ўсмирлар орасидаги ҳуқуқбузарлик аҳоли малакали даврий мониторинг қилинмаганлиги, жиноятчиликнинг олдини олиш дастурларининг ижроси етарли назоратга олинмаганлиги, давлат идоралари ва жамоатчиликнинг ҳамкорликдаги фаолияти ривожлантирилмаганлиги қонунибузишларга шарт-шароит яратган.

Сир эмаски, бюджет интизоми-ни бузиш ва маблағларни қонуни-сарфлаш ҳолатлари ижтимоий вази-янтга салбий таъсир кўрсатади. Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза идораларига аж-ратилган бюджет маблағларини талон-тарож қилиш ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Масалан, Қарши шаҳридаги қар болалар мактаб-интернати омбор мудири Полвонов ва халқро хай-рият жамағатлари вилоят раҳбари Раҳматов 1 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини, хусусий фирма раҳбарлари Чиноз тумани халқ таъ-лими бўлимида мактабларни таъ-мирлаш учун бюджетдан ажратил-ган 1,5 млн. сўмни, Конимех касб-хунар коллежининг ҳисобчиси Мах-мудов 13 млн. сўм ва Навоий тех-ника коллежи ҳисобчиси Эрназар-ов 3 млн. сўм маблағларни, Тош-кент вилояти халқ таълими бошқ-армаси бошлиғи Умаралиев ва унинг ўринбосари Мирсоатовлар 1,5 млн. сўм бюджет маблағларини талон-тарож қилишган.

Самарқанд вилоятида тизим эътиёжлари учун ажратилган бю-джет маблағларидан 46 млн. сўми талон-тарож қилинган ва 45 млн. сўми ноқонуний сарфланган. Бун-дай ноҳус мисолларни, афсуски, яна кўплаб келтириш мумкин.

Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бу каби қонунибузишлар, таълим, соғлиқ-ни сақлаш, ижтимоий таъминот ва милиция идораларидаги ўсмирлар муаммоларини ҳал этишдаги тарқ-оқлик бошқа вилоятларда ҳам мав-жуд. Жорий йилда ҳам биз қишлоқ мактаблари, бочча ва тугруқхона-лардаги аҳолини тубдан яхшилаш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш чораларини кўриб бораверамиз.

**Норбой БОБОЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош  
прокуратураси  
вояга етмаганлар ҳақидаги  
қонунлар ижроси  
устидан назорат қилиш бўлими  
бошлиғи

## ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДАГИ МАСАЛА



бирлари ёшларнинг соғлом ва ҳар жиҳатдан етук бўлиб вояга етишларида муҳим роль ўйнамоқда. Вило-ятдаги 14 та авария ҳолатидаги мактабнинг капитал таъмирланган-лигини таҳсинга сазовор энг муҳим ишлардан бири деб баҳолаш мум-кин. Самарқанд вилоятида ҳар ой-нинг бир куни «Мактаблар куни» деб белгиланиб, комиссиянинг сайёр йиғилишларида таълим ти-зиммида мавжуд муаммолар жойида бартараф этиб берилган. Тошкент вилоятида ҳомийлар ёрдамида

лар устидан етарли назорат таъ-минланмаган. Андижон вилоятида комиссия қарорларининг қонуний-лиги тўлиқ ўрганилмаган, Фарго-нада ишни ташкил этишда ҳудуд учун долзарб бўлган масалаларга етарли эътибор берилмаган.

Сир эмас, мамлакатимиз аҳоли-сининг саводхонлик даражаси бўйича жаҳонда юқори ўринлар-дан бирини эгаллайди. Давлат бюджетидан таълим харажатлари учун катта маблағлар сарфланмоқ-да. Шунга қарамадан, таълим са-

ридаги эътиборсизлик туфайли Қаш-қадарё, Навоий, Тошкент, Сама-рқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоя-тида ўқитувчилар иш ҳақидан қар-здорлик вужудга келган.

Бу эса, ўз навбатида, мазкур вилоятларда педагог ходимлар кўнимсизлиги кучайиб, уларнинг малакасини ошириш ва янги педа-гогик технологияларни ўзлашти-ришга бўлган эътиборни усайти-риб юборишига олиб келмоқда.

Шу ўринда яна бир оғрикли ма-сала хусусида сўз юритмасликнинг иложи йўқ. Вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқлари рўёбга чиқари-лишида учраб турган қонунибу-зишларга ҳамон чек қўйилмаяпти. Масалан, Фаргона вилоятида бўш иш ўринларини яшириш ҳоллари мавжудлиги аниқланиб, мансаб-дор шахсларга 7 млн. сўм жарима қўлланилган.

Тошкент, Самарқанд, Сирдарё

Қолаверса, бебаҳо маданий ёдгорликларимиздан бири ҳисобланмиш «Авесто»да, Қуръони каримда, ҳадиси шарифларда тилга олинган адолат, ҳалоллик, бировлар ҳақида хиёнат қилмаслик, одоб-ахлоқ каби тушунчалардан ҳам уларни бохабар этиш лозимки, таълим-тарбиядаги бундай усуллар шахс камолотида муҳим аҳамият касб этади. Конституция асосида қабул қилинаётган давлатнинг асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, кодекс-ларни, қонунларни ўрганиш эса жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларни меъёрга солиб туради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, вояга етмаганларга ҳуқуқий тарбия беришда аввало уларда ҳуқуқий билимларга, ҳуқуқий нормаларни ўрганишга эҳтиёж уйғотиш зарур. Ҳуқуқий нормаларга ҳурмат руҳида тарбияланган шахс эса нафақат қонун-қондаларга амал қилади, балки бошқаларни ҳам шундай қилишга чорлайди. Бу эса ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда катта аҳамият касб этади.

**Дурдона ОРТИКОВА,**  
ТДПУ магистранти

## MUNOSABAT

Республикамиз мустақиллик-ка эришган илк йилларда ноқ-жамият ҳаётига таҳдид соли-ши мумкин бўлган жиноятчи-ликнинг ҳар қандай кўрини-шига қарши кескин курашиш-га бел боғлади. Бу борада олиб борилган чора-тадбир-лар натижасида фуқаролар-нинг тинчлиги, хотиржамли-ги таъминланди, ислохотлар-ни босқичма-босқич амалга оширишга қулай шарт-шаро-ит яратилди.

Аслида ҳуқуқбузарлик ва жи-ноятчиликка қарши курашиш, уларнинг олдини олиш ҳар бир давлат олдида турган муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Бизнингча, жи-ноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш-ни аввало вояга етмаганлар жиноятчилигини бартараф этишга қаратилган чора-тад-бирлардан бошлаш керак. Бу борада эса ҳуқуқий тарбия ниҳоятда муҳим роль ўйнай-ди.

## ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ ВА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ

Маълумки, ҳуқуқий тарбия умумий тарбиянинг ажралмас қисми бўлиб, фуқароларни жамиятда ўрнатилган қону-қондаларга риоя этиш, уларни ҳурмат қилишга чорлайди.

Ҳозирги вақтда вояга етмаган-лар ўртасида ахлоқдан бузилиш белгилари ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик каби салбий иллатларда очикдан-очик намоён бўлмоқда. Шунингдек, ўсмирлар томонидан ўғирлик, талончилик, босқинчилик каби жиноятларга қўл уриш ҳоллари ҳам тез-тез кузатиламоқда. Вояга етмаганларнинг бундай йўлларга кириб қолишларининг асосий сабаби уларнинг назоратдан четда қолганлиғидир.

Кузатишлардан маълум

бўлишича, ўсмирларни ҳуқуқбу-зарликка, жиноятга жалб этиш-нинг усул ва йўллари турлича-дир. Жумладан, уларни алдаб, қизиктириб, илтимос қилиб, бажарган иши эвазига нималар-нидир ваъда қилиб, спиртли ичимликларни ичириб осонлик билан жиноят кўчасига етказла-ш мумкин. Ота-она, мактаб ёки маҳалла назоратидан четда бўлган вояга етмаганлар эса бундай тузоққа тез илинадилар.

Ушбу ҳолатларни инобатга оладиган бўлсак, айтиш мумкин-ки, вояга етмаганлар ҳуқуқбузар-лигининг олдини олишнинг энг муҳим шартлардан бири мунта-зам ва мақсадга йўналтирилган ҳуқуқий-таълим тарбиядир.

Вояга етмаганлар орасида ўз

# Мактублар

## Шикоятлар

## Жавоблар

### Қўшимча суриштирув ўтказилади

2002 йил 21 апрель куни соат 20.00 лар чамасида Андижон — Маданият йўлининг Избоскан тумани «Урганжи» ширкат хўжалиги Қизилкўприк маҳалласидан ўтган қисмида Ғайрат Ҳақимов Собир Дадабоевга тегишли «Нексия» русумли, давлат белгиси 17 С 3020 бўлган автомашинани бошқариб кетаётиб, велосипедчи Сайфиддин Хайдаровни уриб юборган. Оқибатда С.Хайдаров касалхонада вафот этган.

Ушбу ҳолат бўйича Избоскан тумани ИИБ тергов бўлини терговчилари У.Шаматов ва А.Сиддиқовлар томонидан терговда суриштирув ҳаракатлари олиб борилиб, Ғ.Ҳақимовнинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли жиноят иши кўзга тушириш рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Вилоят прокуратураси томонидан мазкур материаллар назорат тартибда ўрганиб чиқилганида суриштирув ҳаракатлари чала ва бир томонлама олиб борилгани аниқланди. Шунга кўра 2002 йил 14 декабрь куни жиноят иши кўзга тушириш рад этиш ҳақидаги қарор бекор қилиниб, материаллар қўшимча суриштирув ўтказиш учун танбех билан Избоскан туман прокуратурасига юборилди ва назоратта олинди.

Ҳозирда қўшимча суриштирув ҳаракатлари ўтказилмоқда, унинг натижаси бўйича қўшимча равишда маълум қилинади.

**Н. ҚУРБОНОВ,**  
Андижон вилоят прокуратурининг  
биринчи ўринбосари

### ҚАРОР ИЖРО ЭТИЛДИ

Фуқаро Я.Қўлдошевнинг фуқаролик ишлари бўйича Пастдаргом туманлараро судининг 2001 йил 19 сентябрдаги қарор С.Нормуродовдан унинг фойдасига 176.000 сўм ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарори ижро этилмаётганлиги тўғрисидаги аризаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Самарқанд вилоят бўлими томонидан ўрганилганда қуйидагилар аниқланган.

Мазкур қарор юзасидан олиб борилган ижро ҳаракатлари натижасида 2002 йил 15 ноябрда қарздорнинг уч турдаги мол-мулк рўйхатга олинган ва реализация қилиш йўли билан Я.Қўлдошевга 176.000 сўм ундириб берилиб, суд қарори тўлиқ ижро этилган.

Бундан ташқари, суд ижрочиларининг Пастдаргом туман бўлини ходими Э.Маърупов мазкур қарор ижросини таъминлашда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

Бу ҳақда ариза муаллифига 2002 йил 19 ноябрь куни ёзма равишда жавоб берилган.

**Б. ЯНГИБОВЕВ,**  
Департамент директори ўринбосари

### Газетхон илҳом

#### ЯХШИ

Ҳар ким ниҳол экса  
тугани яхши,  
Унинг меvasидан  
тогани яхши.  
Орзу-ният билан  
яшайди ҳар ким,  
Бир кун ниятига  
етгани яхши.

Йўлдош **ЖўРАЕВ,**  
Қизирқ туманидаги  
«Яккатерак»  
жамоа хўжалиги

### БУ СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Когон шаҳридаги Улугбек тор кўчаси 3-а ўйда яшовчи Юсуф Қурбонийнинг «Qonul himoyasida» бирлашган тахририятга ёзган аризаси юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ маориф ҳошимларига 25 йил махсус меҳнат стаж билан муддатидан 5 йил аввал пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилган. Улар ўз хоҳишлари билан бу ҳуқуқдан фойдаланишлари мумкин ва бундай пенсия таъминотидан фойдаланишга уларни ҳеч ким мажбур эта олмайди. Агарда маориф ҳошимлари қўшимча меҳнат стаж жамламоқчи бўлсалар, у ҳолда бошқа барча фуқаролар каби 60 ёшга қадар ишлаб, сўнгра пенсияга чиқишлари мумкин. Шунда улар 5 йил ортиқча стажга эга бўладилар.

Қонунчиликка биноан барча ҳолларда ёшга доир пенсия тайинлангандан кейинги меҳнат фаолияти пенсияни ҳисоблаш ёки қайта ҳисоблашда инobatга олинмайди.

**Р. ЗАБИХЎЖАЕВ,**  
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги  
бошқарма бошлиғи

### Мададталаб мактуб

## ҚАЛЛОБЛАРГА ЖАЗО БОРМИ?

Шу кунларда қишлоғимизда ким кўп — шисизлар кўп. Жумладан, бизлар — Бекчанов Амин 6 бола ва хотинини, Абдуллаев Маматсолой 8 бола, хотини ва кекса онасини боқиб, Сунонов Иномжон эса уйланиш, пенсионер онаси ва ногирон отасини парвартириш илҳимда иш излаб юрганамизда

«Тўрткўл тумани А.Дурдиев ширкат хўжалиги 12-бригадасида яшовчи Жумақилчиев Дадабой Тошкент шаҳрига бориб Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ташқи меҳнат миграцияси агентлиги вакили бўлган ва Россия Федерациясига бориб иш ўрни топиб келиб, ишлаш учун фуқароларни йиғайтганмиш» деган миш-мишини эшитиб, зудлик билан уни изладик. Бир неча марта уйга бориб уни тополмадик. Шу кунлари Д.Жумақилчиев Тўрткўл шаҳри Абдулла Садуллаев кўчасидаги 2-ўйда яшовчи Содиқов Маратни ўзига ёрдамчи қилиб олиб, шисиз фуқароларни йиғайтганини эшитдик. Бу иккаласи фуқаролардан «Россияда ишга жойлаштирирман» дея 2002 йил 11 март куни бирламчи хўжжатларни тайёрлаш учун 3000 сўм, иш ўрни, ётоқхона, овқатланиш, йўл харажатлари учун 150.000 сўмдан пул йиғиштириб олавершиди. Бизлар 153.000 сўмни М.Содиқовга нақд санаб бердик. У бу пуллارни олганини учун тилхат ва касса ордери, иккита дело тайёрлаб, бир нусхасини қўлимизга берди. Ордерда нега муҳр йўқлигини сўраганимизда ҳали муҳр ишлатиб олишга улгурмаганини ваъжа қилди. Ишондик. Учаламиз ҳам уйимизда соғиб ўтирган сигирларимизни сотиб, пул беран эдик. Биздан бошқа 300 дан ортиқ фуқаро хўжжат ва пул тақдим қилган экан. 2002 йил 29 март куни 151 фуқаро 3 та автобусда М.Содиқов бошичилигида Москва шаҳрига жўнаш учун кечқурун соат 12.00 ларда шаҳар марказига келиди. Қузатувчилар ва кетувчилардан катта оломон йиғилди. Миллиция ходимлари бу оломондан хабар топиб келдилар. Аниқланишича, бу иккиси қаллоблик, фирибгарлик, товламаччилик қилиб, пул йиғиб юрган экан. Алданган фуқаролар пулларини талаб қилганларида М.Содиқов барча маблағни Д.Жумақилчиев олиб Москвага эша топиб, қутиб олиш учун кетганини айтди. Бироқ у Д.Жумақилчиевнинг аниқ адресини билмас экан. Уларга пул беран фуқаролар чўв тушганларини шундагина билди. Алданган кишилар фирибгарларнинг уйига бўзичининг мокисидек каттаб, неча-неча пойафзални тўздиришди. Д.Жумақилчиевдан эса дом-дарак йўқ.

Тўрткўл тумани ИИБ бу масала бўйича М.Содиқов устидан жиноят иши кўзгади. Натижасида М.Содиқов мол-мулкнинг сотиб баъзи кишиларга пул беран бўлди. Бизлар ҳам тўлиқ бўлмаси-да, пул олдик. Қолганини 10 кун ичида топиб бериш ҳақида тилхат берди. Бу масала бўйича туман ИИБда етарли маълумотлар тўплаган. Кўпчилик ҳали бир сўмни ҳам ололмай юрибди. Бизлар ҳам қолган жами 122.000 сўм пулимизни М.Содиқовдан ололмай юрибдик. Каттаивериб чармадик, нуқул «пул бўлиб қолар, бераман»дан бошқа баҳона йўқ.

Жумақилчиев билан Содиқов тоқайгача тараллабедиб қилиб юраверадими? Уларга нисбатан қонуний чора кўриш мумкин эмасми? Бу масалда ўзимизни оппоқ қилиб кўрсатмоқчи эмасмиз. Аслида бизда ҳам айб бор. Сўраб-суриштирмай, фирибгарларга ишондик. Пушаймондамиз. Биз каби алданганларнинг аҳолини тўғри тушуниб, ёрдам берарсизлар дея ушбу мактубни сизга йўлламоқдамиз.

**АМИН БЕКЧАНОВ,**  
**МАМАТСОЛОЙ АБДУЛЛАЕВ,**  
**ИНОМЖОН СУНОНОВ,**  
Тўрткўл тумани «Уллийб» ширкат хўжалиги

### ТАРАФЛАР КЕЛИШИШДИ

Фуқаро Жўраева Ибодатнинг «Qonul himoyasida» бирлашган тахририятга ёзган аризаси Яккабоғ туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаро Иброҳим Муқимов 2002 йил август ойида жувоз қуриб бериш учун Ибодат Жўраевдан 150.000 сўм пул олиб, ваъдасини бажармаган ва ҳозирги кунга қадар пулни ҳам қайтариб бермаган.

Мазкур низо амалдаги қонунларга мувофиқ фуқаролик судига тааллуқли бўлса-да, туман прокуратураси томонидан олиб борилган текшириш давомида тарафлар ўзаро келишиб, И.Муқимов И.Жўраевага 150.000 сўмни қайтариб берган.

**Ш. УМИРЗОҚОВ,**  
Яккабоғ тумани прокурори

## СОХТА ПАСПОРТ БЕРИШГАН

Узун тумани Хатиб-Қахрамон қишлоғида истикомат қилувчи Мунаввар Муртазоеванинг қизи Хулқархон Муртазоева ноҳақ ишдан бўшатилганлиги тўғрисида «Qonul himoyasida» бирлашган тахририятга ёзган аризаси бўйича қўшимча текширув ўтказилиб, қуйидагилар аниқланди.

Узун тумани ИИБ ХЧК ва ФБ паспортчиси Х.Муртазоеванинг айби билан унинг синглиси С.Муртазоева бўлини ишларига ноқонуний равишда аралашиб, марҳум Ф.Саидов ва бошқаларнинг Ф-1 шаклдаги аризаларини биргаликда тўлдириб, бўлини бошлиғи Л.Боймирзаевага берган, у эса ўз навбатида Ф-2 китобига қайд қилиб берган.

Х.Муртазоева қонун талабларига зид равишда марҳум Ф.Саидов номига ёзилган паспортга текширув жараёнида аниқлаш имконияти бўлмаган шахснинг суратини ёпиштириб, унга янги нусхадаги паспортни расмийлаштириб берган.

Узун туман ИИБ ХЧК ва ФБнинг собиқ бошлиғи, милиция майори Л.Боймирзаева, илгари шу бўлимининг паспортчиси лавозимда ишлаган Х.Муртазоева ва бошқалар Тожикистон фуқароларига ноқонуний равишда паспорт берганликлари ҳолати бўйича ҳозирда Сариевнинг туман прокуратураси томонидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Юқорида қайд этиб ўтилган ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этганлиги учун Х.Муртазоевани эгаллаб турган лавозимидан озод этиш


масаласи Меҳнат кодексининг 100-моддаси 6-бандига мувофиқ ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан чиққандан сўнг ҳал этилиши лозим бўлса-да, у вилоят ИИБ ХЧК ва ФБ бошлиғининг ўринбосари И.Холов йўл қўйган камчилик туфайли бошқарманинг 2001 йил 22 ноябрдаги 90-буйруғи билан эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Шу боғи вилоят ИИБнинг 2002 йил 27 ноябрдаги 361-буйруғи билан 90-буйруқнинг Х.Муртазоевага тегишли 2-банди бекор қилинди ва у илгари ишлаган лавозимига тикланди.

Келгусида унинг ички ишлар идораларида қолиш-қолмаслик масаласи болани парвартириш учун берилган таътил тугаганидан сўнг ва прокуратура томонидан олиб борилаётган текширув натижасига кўра ҳал этилади.

Х.Муртазоевага нисбатан ўтказилган хизмат текширувида ўта юзаси уюшмаси билан келишмасдан бошқарма раҳбариятини чалғитганлиги учун катта инспектор, милиция капитани Р.Бўриев ва бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги И.Холов бошқарма бошлиғининг буйруғи билан интизомий тартибда жазоланди.

**М. ЖАБОРОВ,**  
Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи,  
милиция полковниги

Саҳифа материалларини Ҳасан  
НИШОНОВ тайёрлади



**MULOHAZA**

Ёзувчи Виктор Ерофеевнинг «Огонёк» журнаlining 01-02-сонида эълон қилинган «Русский бог» мақоласи қандай қилиб водканинг бутун бир миллат устидан ҳукронлик қилаётганлигини исботлашга бағишланган. Ёзувчининг далилларини изоҳлашдан аввал бир воқеани газетхонларга ҳикоя қилиб бермоқчимиз.

Ўтган шанбалардан бирида кечаси Тошкент шаҳридаги касалхоналардан бирида 40 ёшли пахлавон келбатли тадбиркор йигит ароқдан захарланиб қаҳо қилган. Маълум бўлишича, шу кунги ўша тадбиркор янги қуриб битказган савдо дўконини ишга тушириб, кечқурун бу қувончи воқеани етти улфат чойхонада нишонлашди. Алалхусус, улфатларнинг қолган олтитаси ҳам ичкиликдан захарланиб, беморхонага ётқизилган. Соғлиқни сақлаш тизими мутасаддиларининг хабар беришича, захри қотилдан бундай захарланишлар кейинги пайтларда тез-тез рўй бермоқда. Матбуотимиз бу нохуш воқеалар қўшни республикалардан сифатсиз ичимликларни ноқонуний ўтказиш тўғрисида содир бўлаётгани ҳақида тинмай бонг урмоқда. Сўхбатлардан бирида Кашқадарё вилояти прокурори Эшдавлат Жўраев, қозоғистонлик ҳамкасблари шу давлатда тайёрланган «Пшеничная» ароғи Хитойда ишлаб чиқилган ва инсоннинг жигари ҳамда кўриш қобилиятига салбий таъсир кўрсатувчи сунъий спиртдан тайёрланганлиги тўғрисида ҳужжат кўрсатишганини гапирган эди.

Энди ўзи бизда ичкилик ичиш қачондан русум бўлган, деган саволга жавоб беришдан аввал, нима учун «Водка» сўзини ўрчисча забонда ўзгартириш қолдирганимиз ҳақида изоҳ берайлик.

Авалло «ароқ» сўзи русча «водка» сўзининг айни муқобили эмас. Чунки «водка» Марказий Осиёга рус босқини билан кириб келган. Ароқ эса аввал ҳам бўлган. Масалан, Қуръони Каримда айнан «ароқ» ман қилинади. Шунинг учун мақоламизда шартли тарафидида бир қадар «таъсири» «водка» сўзини айнан қолдирдик. Энди бу сўзни мақола сарлавҳасига чиқарганимизга келсак, Россияда бу йил водка кашф этилганлигининг 500 йиллиги нишонланар экан. Виктор Ерофеевнинг қайд этишича, XV асрда Москва Кремлининг монокли биринчи водканинг муаллифи бўлган экан. Уша пайтда Россияда сўғул-татар истибодоти тугатилган. Бироқ орадан юз йил ўтар-ўтмас бечора Россия водка «истилосига» тушиб қолади. Ва ҳали-ҳануз унинг чангалдан кутулолмайди. Рус православ черкови жуда кечикиб ўз қавмининг кашфиётига оид барча ҳужжатларни йўқ қилади ва водканинг яратилишини шайтоний қилмиш деб баҳолайди.

Бироқ энди жилов ҳақиқатан ҳам шайтоннинг қўлига ўтиб кетган эди. 1538 йили Россияда водкани саноят асосида ишлаб чиқариш ҳақида фармон бўлади ва бу «оби оташ» халқнинг турмуш тарзига тез сингиб кетади. Орадан яна юз йил ўтар-ўтмас Россияда эркакларнинг учдан бири қисми кабаклар (водка ишлаб чиқарувчилар)дан қарздор бўлиб, деҳқончилик ерлари йиллаб эквисиз (қаранг, қандай ўхшаш манзара: ҳозир бизда ҳам ўзи ишсиз, рўзғорига бир тийин даромад олиб келмай туриб ароққа пул топадиган кишиларнинг қўлиб бораётгани кўзга ташланмоқда) қолганидан сўнг давлат водка ишлаб чиқаришни чеклашга мажбур бўлади.

Ҳозиргача Россия давлати тарихида водка ишлаб чиқариш 6 марта монополиялаштирилган ва бекор қилинган.

«Сухой закон» (водкани таъқиқловчи қарор) эълон қилган охириги ҳукмдорлардан бири Михаил Горбачёв бўлади. Бироқ унинг тақдири ўзи ёзувчига ҳикоя қилиб берган қўлидаги анекдот билан якунланади:

«Ароқ дўкони ёнида хариддорлар наватни чўзилгандан чўзилиб кетган экан. Токати тоқ бўлган бир мужик: «Ҳозир Кремлга бориб, Горбачёвни ўлдирман» депти. У бир соатлардан кейин қайтиб келса, навбат кили ҳам ўша ҳолича турган эмиш. Унинг навбатини ушлаб тур-

ган шериги сўрапти:

— Ўлдиридингми?

— Қанақа қилиб ўлдирман, у ердаги навбат бундан ҳам чўзилган экан».

Бъзан ўйлаб қолсан киши: нарҳоти ароқ ва бошқа ҳар хил алкоғоли ичимликлар ишлаб чиқаришга ҳар томонлама зўр бераётган қўшни давлатларнинг раҳбарлари Михаил Горбачёвнинг қисматидан тегишли ҳулоса чиқари олган бўлсалар?!

Рус водкаси тарихида ичкиликбозликка қарши курашнинг бошқача усуллари ҳам фойдаланишган. Масалан, подшоҳ Александр III даврида водканинг сифатини яхшилаш орқали унинг зарарли оқибатларини камайтиришга уриниш бўлган. Бу ишга рус химиясининг отаси Дмитрий Менделеев жалб этилади. Водканинг таъми бирдан «бузилиб» кетувчи 39 ёки 41 эмас, балки айнан 40 даражали инсон организмни учун мақбул нисбат эканлигини буюк кимёгар аниқлаб берган. Рус физиолоғи Нико-



лай Волович юрак фаолиятини яхшилаш ва қонни тозалаш учун қуниқ норган 50 граммдан ошмаслиги кераклигини аниқлаган. Албатта, бу ўз вақтида жамиятда бир қатор соғлом муҳитни яратди бошлаган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида аскар рўқини жанговар ҳолатда ушлаб туриш учун киши бошига ҳар кун юз граммдан водка бериб турилган. Ишлаб чиқарувчиларнинг, ғалабани таъминлашда бизнинг ароғимиз «Катюша»дан ҳам рол ўйнамаган, деб мақтанчилари ана шундан қолган. Бироқ алкоғолизмга қарши курашнинг Россиядаги таниқли назарийчиларидан бири, профессор-нарколог Владимир Нўжний, кейин пайтда ўша юз граммлар урушдан айланиб бутун бир авлоднинг бахтсизлигига сабаб бўлган, деб ҳисоблайди.

Чунки ўтган асрнинг 60-йилларида жамиятда ароққа сиғиниш кучайди. Бундан собиқ империя таркибида бўлган Ўзбекистон ҳам мустасно эмас эди. Чамамда, бутун уруш даврида алкоғола тўйинган ген ҳужайралари маълум даражада янги авлодга «юққан» бўлиши мумкин.

Энди бевосита Ўзбекистондаги воқеликка келсак. Хўш, бизда қачондан бошлаб алкоғоли ичимлик ичила бошланган? Агар «Алпомиш» дostonидаги Сурхайил кампирнинг Алпомиш ва унинг қирқ йигитини маст қилиб тузоққа туширгани воқеасига келсак, минг йилларнинг нарисида ҳам ичкилик ичиганини кўрамыз. Лекин шоирларимиз майни улуғлаган бўлсалар ҳам, подшоҳла-

тиб, юксак технологияга асосланган жуда сифатли алкоғоли ичимликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш даркор.

Ҳозир бозорларимиз ҳудудда ичкилик сотилмайди. Нега энди бу яхши одатни катта трассалар бўйидаги ошхоналарда ҳам йўлга қўйиш мумкин эмас? Собиқ СССР даврида эрталаб соат 11 дан кейин ичкилик сотилар, воёга етмаганларга умуман ичкилик сотилмас эди. Сотувчиларимизга ана шу кўникмани «юқтириш» шарт.

Иккинчидан, ичкилик ичиш маданиятини юксалтириш ичкиликбозликка қарши курашда муҳим босқич ҳисобланади. Исломи дини нуқтани назаридан ичкилик ҳаром десангиз, унинг кайфи ҳаром,



# «ВОДКА» — шайтон суви

римиз саройида май ичиш русум бўлган бўлса ҳам ҳеч қачон ичимлик фойда келтирувчи ишлаб чиқариш маҳсулотига айлантирилмаган. Шарият аҳқомлари ўтмишнинг ягона қонуни саналмиш Қуръони Каримга суяниб, ичкиликбозлик йўлига мустаҳкам тузоқ қўя олган. Қачонки, юртимиз Россия истилочилари томонидан босиб олиниб, аввалига маълум чеклашлар билан, Уктабр инқилобидан кейин батамом шарият қонуни қатагон қилинган, ва «шайтон суви» саноят асосида ишлаб чиқарила бошлагач, Марказий Осиёда, жумладан Ўзбе-

ўзи тоза бугдойдан бўлган, деб ўзига шарият яратиб олганлар ҳам учрамоқда. Қуруқ, ичкилик ичма дейиш билан ҳам иш битмайди. Ўзи инсон табиатида, қилма, деган ишни қилишдек шайтоний васваса қачон бош кўтарсам экан деб мудом пайт пойлаб юради. Бу ҳайвоний ўжарлик пиёнистада бир неча чандон кўп бўлади. Демак, ҳаммага эмас, балки, сурункали ичкилик ичувчилар аввал рус физиолоғи Н.Волович айтганидек, қундалик «фойдали» 50 граммлик нормани белгилаб олишлари мумкин. Ундан кейин бу норманинг оралиғини ўзайтириб бориш ва бутунлай ташлаб юборишга йўл очилади. Аммо 50 граммлик норма ҳар замонда нўш этиб турувчилар учун ҳам атоғалона айланса, ана шунинг ўзи ичкилик ичиш маданиятининг даражасини белгилайди.

Ўзбекининг тўй-тўйчиғидек бесанок ва нокарак тадбирлар ҳақида ёзиш мақоламиз мавзусига кирмайди. Бироқ, назаримда, Ўзбекистондаги барча ароқ заводлари ана шу маъракалар учун ишлаётгандай.

Мен Американинг Флоридасидаги Арландо шаҳрида, ҳашаматли Дисней Ленд меҳмонхонасида япон миллионери ўглининг никоҳ маросимини кўрганман. Бор-йўғи ўн киши. Маросимга поп ҳам таклиф этилган эди. Кейин билсак, уни никоҳ ўқитиш учун таклиф этилган, тўйнинг бутун тантанаси никоҳдан кейин уриштирилган шампан фужерларини лабга теккизиб қўйиш, суратга тушиш (сураттир улар билан изма-из юрар эди) ва қолгани саёҳат экан. Япон миллионери ўглининг асал оғи саёҳатига кетадиган пулга ўзбек ўнга тўй қилади, дегувчиларга: «биз ҳам тўйимизда тананинганимаган юзлаб одамларга ароқ тарқатмай, тежаб-тергаб, жаҳонгашталик қилсак, унинг завқини ҳеч нарсага алмашиб бўлмайди», деб жавоб бермоқчиман.

Мамлакатимиз ривожланган дунёга юз бурган экан, миллий менталитетимизга мос ривожланган ҳаёт тарзини ўзлаштиришга мажбуримиз.

Мана, Тошкент шаҳрида машинани қаторлаштириб никоҳга боришдан воз кечилди. Чунки унинг охири ҳам ароқхўрлик ва исрофгарчилик билан якун топар эди. Нима учун бу яхши ташлаб-бўси вилоятлар қўллаб-қувватлашмаётир?!

Қадимда тўйларимиз ундай бўлган-бундай бўлган, деб ёзғиравериш билан иш битмайди. Чунки тарих чамбараги ҳеч қачон орқага қайтмайди. Бунинг устига қадимда қишлоқ-маҳаллаларимизда тўйхонадан бошқа қўнғил очар жойининг ўзи бўлмаган. Ҳозир эса бундай жой сон мингта. Бас, маҳаллий ҳокимият никоҳ тўйларини келин-куёвнинг давраси билан чеклаб қўйса бўлади. Обод маҳалла дангиллама маъракалари билан эмас, балки батартибу тежамкор тўйлар билан обод.

Сўнги суз дин пешволари, маҳалла оқсоқоллари, илғор зиёлиларимизда қолган. Хар бир кишининг босган қадамини кузатиб бўлмас. Бироқ ичкилик соя солган хондонларни тергаш, ичкилик тўғрисида иродаси синиб, виждони суялган кимсаларни тартибга қайтиса бўлади.

Сўнги темирўздалардан Ҳусайн Байқаро салтанатини хароб қилган омиллардан биттаси ичкиликдир.

Бобур Мирзо ҳазратлари тавба қилиб, ўз подшоҳлигида чоғир ичишини ман этгандан сўнг унинг авлодлари уч юз йил Ҳиндистонни бошқарган. Бундай жонли мисоллар ҳозирги ҳаётимизда ҳар қадамда учрайди. Ичкиликбозликка қарши курашимизда барча воситаларни шундай мувофиқлаштириш керак, оқибатда «ичувчи» қавимини фақат тавба паноҳида жон сақлай олсин. Акс ҳолда водка бугун русларнинг «худосига» айланган экан, ароқ заводлари гўмбурлаб ишлаб турган ҳозирги шароитда эртага «шайтон суви» бизнинг миллатимизни ҳам ўз домига тортиб кетмайди деб ҳеч ким қафолат бера олмайди.

**Абдуҳалик АБДУРАЗЗОКОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

**БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

**23-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат**

Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида таъминлайдилар.

**24-модда. Мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлиги**

Фуқароларнинг муурожаатларини қабул қилишни ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик, фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошқор этиш, фуқарони муурожаат қилганлиги учун таъкиб қилиш, шунингдек фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

**25-модда. Фуқаронинг ариза ёки шикоятини кўриб чиқишда қонун талабларининг бузилиши оқибатида фуқарога етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш**

Фуқаронинг аризаси ёки шикояти қаноатлантирилган тақдирда ана шу муурожаат бўйича қонунга хилоф қарор қабул қилган давлат органи ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш муносабати билан фуқарога етказилган зарарнинг ўрнини, тегишли давлат органининг талаби билан ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун жойларга бориш муносабати билан сарф қилинган харажатларни қоплайди ҳамда ана шу вақт ичида йўқотилган иш ҳақини тўлайди. Фуқарога етказилган маънавий зиён ҳам суд тартибида компенсация қилиниши мумкин.

Фуқаронинг аризаси ёки шикоятини кўриб чиқишда қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан унга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида давлат органи томонидан тўланган маблағлар айбдор мансабдор шахсдан регресс тартибида ундириб олиниши мумкин.

**26-модда. Фуқаронинг ғайриқонуний хусусиятдаги ариза, таклиф ёки шикоят берганлик учун жавобгарлиги**

Фуқаронинг тўхмат ва ҳақоратдан иборат ариза, таклиф ёки шикоят берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

**27-модда. Фуқароларнинг била туриб сохта маълумотлар баён этилган муурожаатларини текширишга сарф қилинган харажатларни қоплаш**

Била туриб сохта маълумотлар баён этилган муурожаатларни текшириш муносабати билан давлат органи томонидан сарф қилинган харажатлар фуқародан суднинг қарорига биноан ундириб олиниши мумкин.

**28-модда. Низоларни ҳал этиш**

Фуқароларнинг муурожаатлари муносабати билан зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги низолар суд тартибида кўриб чиқилади.

8

**16-модда. Аризалар, таклифлар ва шикоятларни бериш муддатлари**

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар бериши учун муддат белгиланмайди. Айрим ҳолларда муайян давлат органининг ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш имкониятига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида рўёбга чиқариш, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра, бундай давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятларни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёки қарорлар қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йил ичида берилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат ариза ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи томонидан тикланади.

**17-модда. Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш**

Фуқароларнинг давлат органига келиб тушган муурожаатлари ана шу органининг ўзи ёки зиммасига муурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг муурожаатлари, агар улар кўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Муурожаатларни кўриб чиқиши учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ман этилади. Агар фуқароларнинг муурожаатларида уларни тегишли органларга жўнатиш учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу муурожаатлар худди шу муддат мобайнида асослантирилган тушунтириш билан фуқаронинг ўзига қайтарилади.

Фуқароларнинг муурожаатларини ҳар тарафлама муфассал ва холисона кўриб чиқиш учун қўшимча ахборотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлса, мазкур муурожаатни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси қўшимча ахборот тўплаши мумкин.

Фуқароларнинг муурожаатини кўриб чиқаётган давлат органи зарур ҳолларда муурожаат жойининг ўзида кўриб чиқилишини таъминлаши керак.

Алоҳида ҳолларда, муурожаат этган шахнинг ўзи ёки бошқа шахс йўқлигида муурожаатни кўриб чиқишнинг имкони бўлмаса, улар давлат органининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин.

Фуқароларнинг муурожаатлари бўйича қабул қилинган қарорларни давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахси имзолайди.

Агар ариза, таклиф ёки шикоятда баён қилинган масалалар ҳал этилаётганда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш зарурати юзага келса, бу иш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**18-модда. Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари**

Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тарихисида узоғи

6



Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

**ФУҚАРОЛАРНИНГ  
МУРОЖААТЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА**

(янги таҳрири)

«**HUQUQ**» юридик газетаси  
2003 йил

(«Халқ сўзи» газетасининг 2003 йил 22 январь сонидан олинди)

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

**ФУҚАРОЛАРНИНГ  
МУРОЖААТЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА**

(янги таҳрири)

**I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР**

**1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади**

Ушбу қонун фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади) муурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

**2-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

**3-модда. Фуқароларнинг муурожаат этиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан муурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг муурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига ушбу қонунга мувофиқ муурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига муурожаат этиш соҳасидаги муносабатлар ушбу қонунда белгиланган тарзда тартибга солинади.

Фуқароларнинг муурожаатлари, агар қонунларда уларни кўриб чиқишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, ушбу қонунга мувофиқ кўриб чиқилмайди.

**4-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари шакллари**

Фуқароларнинг муурожаатлари оғзаки ёки ёзма шаклда киритилади. Фуқароларнинг оғзаки ва ёзма муурожаатлари бир хил аҳамиятга эга.

Фуқароларнинг муурожаатлари яқка тартибда ёки жамоа томонидан берилиши мумкин.

**5-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари турлари**

Фуқароларнинг муурожаатлари ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

3

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**  
Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 140-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинмоқда).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 13 декабрь.

2

Ариза фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўйбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган муурожаатидир.

Таклиф фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомил-лаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган муурожаатидир.

Шикоят фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган муурожаатидир.

**6-модда. Фуқароларнинг муурожаатларига қўйилмайдиган талаблар**  
Муурожаатларда фуқароларнинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма муурожаатларда муурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим. Муурожаатга шахсий имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бу муурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади.

Фуқароларнинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо қўйилмаган ёзма муурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

**7-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари ва оммавий ахборот воситалари**  
Фуқароларнинг давлат органларига газеталар, журналлар, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари таҳририятлари орқали келиб тушган муурожаатлари ушбу қонунда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган муурожаатларидан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоат фикрини ўрганиш ва асос эйтириш учун фойдаланилиши мумкин.

**8-модда. Фуқароларни қабул қилиш**  
Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш ташкил этилади. Фуқароларни қабул қилиш раҳбар ёки бошқа мансабдор шахс томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида алоҳида бўлинмалар тuzилиши мумкин, фуқароларни қабул қилиш учун масъул мансабдор шахслар белгилаб қўйилади.

Қабул белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтда ўтказилади. Қабул жадвали фуқаролар эътиборига етказилади.

Фуқаро озғани муурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши керак. Фуқарони қабул қилиш, агар унинг бир неча бор қилган муурожаати асоссиз, қонунга хилоф ҳусусиятда бўлса ёки унинг муурожаати бўйича қарор қабул қилиб бўлинган бўлса, рад этилиши мумкин.

Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш тартиби мазкур органлар раҳбарлари томонидан белгиланади.

**9-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари бўйича иш юритиш**  
Давлат органларида фуқароларнинг муурожаатлари бўйича иш юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб борилади.

## II. ФУҚАРОЛАРНИНГ МУУРОЖААТ ЭТИШ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

**10-модда. Фуқаролар муурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда ихтиёрийлик**  
Фуқароларнинг муурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир муурожаатни ҳимоя этишга ёки унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок

4

билан бир ойма узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

## IV. МУУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**19-модда. Муурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсан иштирок этиш ҳуқуқи**

Муурожаат давлат органлари томонидан кўриб чиқилаётганда фуқаро муурожаатнинг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборот олиш, важларини шахсан баён этиш ва изоҳлар бериш, муурожаатни текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш, адвокат ёки ўз вакили хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Муурожаатни кўриб чиқётган давлат органларининг мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт.

**20-модда. Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқишда қабул қилинадиган чора-тадбирлар**

Давлат органлари фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқишда қонунга хилоф ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) дарҳол олдини олишга доир чора-тадбирлар кўришлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келадиган сабаблар ва шароитларни аниқлашлари, муурожаат қилганликлари муносабати билан фуқаролар таъбиб қилинишининг белгиланган тартибда олдини олишлари шарт.

**21-модда. Фуқароларнинг муурожаатини кўриб чиққан давлат органининг мажбуриятлари**

Фуқароларнинг муурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга муурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Ариза ёки шикоят юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси, агар фуқаро қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушунтириши шарт.

Фуқароларнинг муурожаатини кўриб чиққан давлат органи, унинг мансабдор шахси муурожаатни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарор ижросини назорат қилиши, агар фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши натижа-сида зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилишга доир чора-тадбирлар кўриши ҳам шарт.

**22-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари билан олиб бориладиган иш таҳлили**

Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқётган давлат органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини юзага келтирувчи сабабларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида аризалар, таклифлар ва шикоятларни белгиланган тартибда умумлаштирадиган ҳамда таҳлил этиб борадилар.

## V. ФУҚАРОЛАРНИНГ МУУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУҲЖАТЛАРИНИ

7

этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

**11-модда. Фуқаролар муурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда камситишга йўл қўйилмаслиги**

Фуқаролар муурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда уларни жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқега қараб камситиш тақиқланади.

**12-модда. Фуқароларнинг муурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги**

Фуқароларнинг муурожаатлари албатта қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак, ушбу қонун 6-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаро унинг муурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқиш асоссиз равишда рад этилганлиги устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят беришга ҳақли.

**13-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари муносабати билан оён бўлиб ҳолган маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмаслиги**

Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ҳисобланган маълумотлар ва, агар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотлар давлат органлари ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Муурожаатга тааллуқли бўлмаган, фуқароларнинг шахсига доир маълумотларни суриштириб билишга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг илтимосига биноан унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

**14-модда. Фуқароларнинг муурожаат этиши муносабати билан уларнинг хавфсизлиги кафолатлари**

Фуқароларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўйбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига муурожаат этганликларини учун таъбиб қилиш ман этилади.

## III. ФУҚАРОЛАРНИНГ АРИЗАЛАР, ТАКЛИФЛАР ВА ШИКОЯТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ҲАМДА УЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

**15-модда. Аризалар, таклифлар ва шикоятларни бериш тартиби**


Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига қирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга берилади.

Фуқаро ариза, таклиф ва шикоятни шахсан беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вақлига беришга ёки муурожаатини алоқа воситалари орқали юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини қўлаб ариза, таклиф ва шикоят уларнинг вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Ариза, таклиф ва шикоятга улар юзасидан илгари қабул қилинган, фуқародаги мавжуд қарорлар (ёки уларнинг нусхалари), шунингдек ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин.

5

Инсон феъли кўп галати. Гоҳ тийиксиз хиссиётлар уммони ичра нафс қайиғида чайқалса, гоҳ виждон султонлигининг адолат тулпориди жавлон уради. Ҳа, ҳа, худди шундай — бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Нимагаки, дунё томи остида бундай ҳодисоту синоатларга бани башар кўп бора гувоҳ бўлган, дўст-у душманлик, ёлгон ва чин, кўз ва қулоқ орасидаги тўрт энлик фарқ кўп бора кесиб ўтилавериб кўзларимиз ўрганиб қолган! Лекин шунда ҳам бу чархи гардун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеаларга рўпара қилганида ҳар гал изтироб билан ёқа ушлайсан. Ё алҳазар! Кечагина тузуқкина одам бўлиб, бошини тик кўтариб юрган банди бир зумда биродарининг қотилига айланса?!



**SUD OCHERKI**

билан меҳмон қилдим... Албатта, яхши тилаклар, «тост»лар айтилди. Мастлигим ошиб қолди, шекилли, балиқчи Аҳроп Эрматов билан тортишиб қолдик...

**Аҳроп ЭРМАТОВ:**

— ...Халил бизга: «Мен кетаман, балиқни топширинглар», — деди. Мен ҳам ўлчаб топширдим. Халил эса: «Балигингни қайтариб ол, пулни қайтариб бер» — деб бақирди. У мени балиқларни бошқаларга арзон сотиб, унга қолганини қиммат сотганликда айблаб сўқди. Мен изох сўрадим. У эса бўралаб сўқинаверди. Иккаламиз айтишиб қолдик. У мени уриб кетди. Ажратишга уринган Тўйжон ва Исमत акани ҳам уриб, менга ҳезланаверди. Шу пайт Баҳром ака келиб қолди...

**Исमत ХЎЖАЕВ:**

— Баҳром дўсти Халилни тинчлантириш учун машина олди олиб келиб қўйди. Халил бошқаларни ураётганлиги учун Баҳром уни уришга мажбур бўлди. Шу пайт Халил Баҳромга пичоқ урган экан, кейин билишимча, у пичоқни машинадан олиб келган экан.

**Маҳмудохун Маҳмудов:**

— ...Шундан кейин Халил ишчиларга қайсинг яқинлашсанг ўлдираман, деб бақирди. Баҳромни қутқазмоқчи бўлган укаси ва қайнисини пичоқ билан қувди. Мен Баҳромнинг жароҳатини қўйлақ билан боғладим. Уни машинага кўтариб олиб келдик. Халил эса қўлида пичоқ билан болаларни қувиб кетди...

**Халил АЛҚАРОВ:**

— ...Шундан кейин машинага балиқларни ортиб Каттақўрғонга кетдим. Кейин билишимча, болалар Баҳромни ўзининг машинасига ортиб уйига олиб боришибди. Балиқларни бозорда сотиб бўлгач, уйга келиб чўнтагимга қўлимни сўқсам пичоқ турган экан. Уни ювиб эшик тепасига қўйдим...

**Хотима ўрнида**

Суд қотиллик содир этган Халил Алқаровга тегишли жазо берди. Лекин дўстликка хиёнат шикоят қилди, дея ҳабаб беради «Независимая газета».

**Фарход Қулматов,  
Фориш тумани  
прокурори**

чилик бригадасида бирга ишлар эдик. Ушбу бригадада экспедитор бўлганим учун балиқларни ташиб сотиш билан шуғулланганман...

Тўғриси, юқоридаги сўзлар муаллифи Халил Алқаров билан Баҳром Баратовнинг дўстлиги қанчалик мустаҳкам ёки омонатлиги бизга қоронгу. Лекин дўстликка онт ичган одам бу йўлда чин иймон билан захмат чекиши, покиза қалб соҳиби бўлиши зарур эмасмикан? Зеро, бу дунёни чархнинг бевафолигию, ёлгончи нафсининг макорлиги сабаб дўстлик ҳам баъзан мунофиқликка айланиб кетиши ҳеч гап эмас экан.

**Шоира БАРАТОВА:**

— Турмуш ўртоғим Баҳром ака билан Халилнинг биродарлиги уч-тўрт йил бўлиб қолди. Тўй-маъракамиз, яхши-ёмон кунимизда бир-биримизни йўқлаш бизга одат бўлиб қолган эди. Ўн бешинчи апрель куни ҳам Халил бизнинг уйда оватқланиб, турмуш ўртоғим Баҳром ака билан балиқчилар олдига — Айдарқўлга кетишди...

**2002 йил 16 апрель.**

Шамол сафлашиб келаётган тўлқинларни соҳилга беаёв урар, қамишзор шовури бир зум ҳам тинмасди. Соҳилга қоқил-

ган қоziққа чирмалган арқонни юлқилаётган қайиқлар хализамон арқонни узиб, қўл ўртасига сузиб кетадигандек гўё...

**Халил АЛҚАРОВ:**

— Ўша куни қўлда шамол эди. Унинг устига соат тўққизларда инспекциядан одам келиб, «Бугун заперет, булар ишга чиқмасин», деб тайинлаб кетди. Соат тўртларда шамолнинг ҳовури бир оз босилди. Ўзимизнинг вагонда бригада аъзолари Исमत ака, Асқар, Мурод, Миша повар ва бошқалар бор эди. Кимдир менга кўшимиз Мусин ўзининг вагонига меҳмонга чақираётганлигини айтди. Мен борганимда у ерда учта қиз ҳам бор экан....

**Манзура ТАНИЕВА:**

— Мен дугоналарим Света, Венера ва яна Мусин, Бахтиклар билан Айдарқўлга дам олишга бордик. Кечки соат тўртларда мен оватқланаётган эдим. Ташқарида баланд товуш эшитилди...

**Халил АЛҚАРОВ:**

— ... Худди шу вақтда Баҳром қайиниси Рустам, Тўйжон ва Ҳамидлар билан ўзининг «Нива» машинасида келди. Мусиннинг машинаси бузук экан, Баҳром уни тузатмоқчи бўлди. Кейин мен ўзимизнинг вагонга кетдим. Рустам, Ҳамид, Тўйжон билан вагонда бир шиша ароқ ичдик. Кейин мен уларни ароқ

**РАКЕТАЛАР КИМГА ТЕГИШЛИ?**

Афғонистон махсус хизмати ходимлари Кобул аэропорти, халқаро тинчликпарвар кўчалар офиси ва Америка элчихонаси биносига берилиши мўлжалланган ракета зарбаларини бартараф эттишган. Кобул разведка хизмати раҳбари Аминнинг сўзларига қўра, унинг йиғилгари «Баграм» базаси яқинидан БМ-21 маркали 30 та ракета ва юқорида айтиб ўтилган объектлар нишон сифатида белгилаб қўйилган харитани топиб олишган. Бу ҳақда Reuters ахборот агентлиги хабар тарқатган.

Аминнинг таҳмин қилишича, ракеталар «Ҳезби ислом» ёки «Ал-Қоида» ташкилотларига тегишли бўлиши мумкин. Кобулдаги халқаро тинчликпарвар кўчалар вакили майор Марк Витти мазкур ҳодиса бўйича журналистларга изох берад экан, Аминнинг гапларини тасдиқлайдиган ёки инкор қиладиган ахборотга эга эмаслигини айтган. Шу билан бирга, майорнинг қўшиқча қилишича, тинчликпарвар кўчаларга қаршили соқилар гуруҳи 25 январь куни эрталаб Кобул аэропортиндан 3 км. узоқликда, Жалолобод йўли яқинида 25 та ракета топиб олишган. Бу жой Амин айтаётган жойдан бир неча километр узоқдир.



**СЎРОҚ ДАВОМ ЭТАДИ**

АҚШда 2001 йил 11 сентябрь воқеалари бўйича тузилган конгресс махсус комиссияси ҳодиса юзасидан мамлакатнинг энг юқори мартабали шахсларини ҳам сўроққа чақирини режалаштирмоқда, дея хабар беради Time газетаси.

Яқинда конгрессни тарқ этган демократ Тим Ромер 2002 йил декабрь ойида Д.Раефелд, К.Пауэлл, Ж.Эшкрофт, К.Райс сингари юқори мартабали шахслар 11 сентябрь воқеалари юзасидан тўғридан-тўғри сўроққа тутилмаганлиги учун тергов қўйин кечганлиги ҳақида айтиш эди. Timeга берган интервьюсида Ромер ишга алоқадор барча сисъатчилар сўроқ қилиниши кераклигини таъкидлаган.

**МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ МАКТУБИ**

Россия Мудофаа вазири Сергей Иванов президент Владимир Путинга хат ёзиб, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилди, дея хабар беради «Независимая газета».

С.Иванов мазкур вазирликларни чақириб ёшидаги фуқароларни милиция ва ўт ўчириш тузилмаларига оқимончи равишда хизматга олаётганликда айблаган. Унинг фикрича бу «Ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги федерал қонунга зиддир. Хатда ёзилишича, қонун бўйича ҳарбий комиссариатлар чақирилувчиларни армиядан ташқари ички қўшинлар ва фуқаро мудофааси қисмларига жўнатишлари мумкин. Бироқ айти пайтда ИИБ органлари ва ФВВ ўт ўчириш тузилмаларида ўт мингдан зиёд усмирлар ҳарбий хизматни ўташмоқда.

Қонун бузилаётган экан, уни бартараф қилиш чоралари қўрилаётганлиги табиий. Россия армияси Бош штаби бошқалигининг ўринбосари генерал-лейтенант Василий Строчковнинг эътирофи этишча, айти пайтда вазирликда қонунга ўзгартиш киритиш юзасидан тақлифлар тайёрланмоқда. Тақлиф қабул қилинса, милиция ва ўт ўчириш тузилмаларига ишга қабул қилиш тартиби тақомиллаштирилади.

**HUQUQ**  
YURIDIK GAZETA

**Ta'isichilar:**  
O'zbekiston Respublikasi  
Bosh prokuraturasi,  
Toshkent shahar va  
Toshkent viloyati  
prokuraturalari,  
«Qonun himoyasida» jurnali

**Bosh muharrir:**  
Abduxoliq  
ABDURAZZOQOV

**Tahrir hay'ati:**  
Mels Naimov,  
Dilshod Islomov  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Jahongir Sharofboyev  
(mas'ul kotib),  
Lola Shomurodova,  
Hasan Inoyatov,  
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

**Manzil:** Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
**Telefon:** 133-82-34.  
**Reklama va e'lonlar:** 133-82-34  
**E-mail:** huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalarga qaytarilmaydi.  
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.  
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.  
Tijorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.  
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi.  
Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma Г - 3149  
Nusxasi — 16217

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir:**  
H. NISHONOV  
**Navbatchi:** F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

**1 2 3 4 5 6 7 8**

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00  
Bosmaxonaga topshirildi 18.30

«...вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбариятига У.Расулованинг 29-ўрта мактабда қилган ноқонуний молиявий ишлари ҳақида хабар берганимиз», деб ёзишда кўшни 20-ўрта мактаб ўқитувчилари тахририятга йўллаган аризасида. «...У.Расулова норозилигимизга қарамай мактабимизда директор лавозимидан иш бошлаганидан бунён носоглом муҳит вужудга келди, ҳаттоки ота-оналар ва юқори синф ўқувчилари орасида юқори ташкилотларга нисбатан ишонч йўқолди. Хурматли тахририят, жамоамиз фикрини тўғри тушунасанлар ва ушбу масалада бизга ёрдам берасанлар, деган умиддамиз».

**JURNALIST SURISHTIRUVI**



# Нақдига ишлайдиган ДИРЕКТОР

Аризага Фаргона вилояти Кува туманидаги Акбаробод қишлоғида жойлашган 20-ўрта мактабнинг тўққиз нафар ўқитувчиси имзо чеккан. Улар ва мактабдаги бошқа ўқитувчилар билан юзма-юз, яккама-якка гаплашганидан аксарияти янги тайинланган директорга нисбатан ҳеч қандай шахсий адовати йўқлиги, фақат кўшни мактабда раҳбар бўлиб ишлаганида ноқонуний ишлар қилганини эшитиб, унинг номзодига қарши чиққанлиги, ўз жамоасидан кўрсатилган муносиб номзодлар бу лавозимга лойиқ топилмагани ўқитувчиларда норозилик уйғотганини баён этишди. Мактаб директори сайланмаслиги, балки тайинланишини яхши билишлари, лекин туман ХТБ раҳбариятининг жамоа фикрини инобатга олиш-олмаслиги ҳам таълим-тарбия жараёнига таъсир қилмай қолмаслигини таъкидлашди.

Янги директорнинг тарафдорлари ҳам оз эмас, улар У.Расулованинг талабчанлиги, кўшни мактабни бир мунча изга солиб қўйганини эътироф этишди. Ўқитувчилар жамоасининг тахминан ярми янги директор ушбу лавозимга лойиқ, ярми нолойиқ деган фикрда.

У.Расулова бирмунча асабий эди.

— Нега аввал менга учрамай, «ёзувчилар билан гаплашасиз?» — Дарсда экансиз, дарсингизни бузмайлик, дедик.

— Туман халқ таълими бўлиmidан рухсатингиз борми текширишга?

— Қонун бўйича журналист суриштируви учун юқори ташкилотдан рухсат олиш шарт эмас.

Директор бироз шаштидан тушиб, туман ХТБга телефон қилди.

— Талабчанлигим, иш талаб

## Ўқитувчиларнинг ишончсизлигига қарамай яна шу лавозимга тайинланди

қилганим учун устимдан ёзишяпти, — деди сўнгра у. — Йигирма тўққизинчи мактабни анча тартибга солган эдим.

— У ерда неча йил директорлик қилдингиз?

— 1999 йилдан 2002 йилнинг кузигача.

— Ўша мактабда ишлайверсангиз бўлмасмиди?

— Уйимга узоклик қилади. Бу мактаб яқинроқ, шунга ўзим илтимос қилдим.

Пенсияга чиққан директор

ўрнига У.Расулова тайинланиши тўғрисида эшитишлари биланок 20-мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари турли юқори ташкилотларга мурожаат қилиб, бунга қарши эканликларини асослашга уринишди. Бирок туман ХТБ раҳбарияти қарорини ўзгартришни истамасди. Янги директор тайинланган кунини йиғилиш ўтказилди. Унда ўқитувчилар жамоасининг учдан бир қисми қатнашди. Бир неча ўқитувчилар У.Расулова-

дан бошқа одамни тайинлашни талаб қилишди. Йиғилиш ташкилотчилари директор сайланмайди, тайинланди, шу одам ишлайди дейишгач, ўқитувчиларнинг қарийб барчаси намойишкорона мажлисни тарк этишди.

Ким ҳақ, балки аризабозликни номзоди ўтмай қолганлардан бири «маслакдошлари» билан уюштираётгандир деган савол туғилади. У.Расулованинг 29-мактабдаги фаолияти бу саволга аниқлик киритди. Дарҳақиқат, у директор бўлгач, бу мактабдаги таълим-тарбия савияси бир неча поғона кўтарилган (туман ХТБ маълумотида кўра). Молия масаласига келганда эса...

Маълумки, ҳукумат қарори билан мактабларда молия-ҳўжа-

камига топширмасди. Мактаб ҳудудида теракзор бор эди. У.Расулова маргилонлик хусусий тадбиркорларга теракларни 700 минг сўмга сотиб юборди. Қонун-қоидага кўра, бу нақд пул ҳам мактаб ҳисоб рақамига туширилиши, кирим қилиниши лозим эди. Бирок директор «нақдма-нақд» иш юритишни хуш кўрарди. Шунинг учун бўлса керак, жавобгарликни бўйнига олишни истамаган ҳисобчилар узок ишламасди. Уч йилда урта ҳисобчи алмашди. «Терак операцияси» жамоада «майда» гапларни келтириб чиқарди: «Етти юз мингга эмас, бир миллионга сотибди, уч юзини ўзи еворипти», «Етти юз мингга ҳам мактабга ишлатгани йўқ, чўнтагига урган», «Тегирмоннинг пули қаёққа кетаяпти, қосибчилик дўконининг пули-чи?»

Жамоадаги таранг асабий муҳит У.Расулованинг «бошқа, «уйига яқинроқ» мактабга ишга ўтказишларини сўраб» ариза ёзишига туртки бўлди.

— Пуллари мактаб эҳтиёжига сарфланган, ҳаммасининг ҳужжати бор, — дейди У.Расулова, — далолатномалар тузилган...

— Директор ҳар бир сўмни кирим қилиши, банкдаги ҳисоб рақамига топшириши лозим эди, — дейди ХТБнинг бош ҳисобчиси, — нақд пул олиб, нақд пул сарфлаши қонунга зид.

Туман халқ таълими бўлими 29-ўрта мактабда ўтказган текширишда У.Расулова директор бўлиб ишлаган вақт мобайнида 2 миллион сўмдан зиёд нақд пул кирим қилинмай, далолатнома тузиш йўли билан турли мақсадларга сарфлаб юборилгани аниқланди. Ва... Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган У.Расулова 20-ўрта мактабда директор бўлиб ишладиди «жазо»га гирифтор этилди.


Шикоятбозлик билан донг чиқарган мактабда «нақдма-нақд тартиб» ўрнатиш «жазоси»ни ўтаётган директорга «осон» тутиб бўлмайди.

У.Расулова шикоят юзасидан тахририят номига тушунтириш хати ёзиб беришдан бош тортди.

Исроил ИБРОХИМОВ, «Хуқуқ» мухбири

**BIR CHIMDIM KULGU**

- Гугуртингни бериб тур.
- Бу найрангинг энди ўтмайди, оғайни.
- Қайси найрангим?
- Қачон сенга гугурт берсам, қайтиб берганимда ҳар доим бир донаси кам чиқади.



Изоҳга ҳожат йўқ

**KRIMINAL**

### Иккинчи уриниш

ганлиги учун 1990 йилдан бери қамоқда сақланаётган Сержио Редих Исали маҳбус ниҳоят иккинчи уринишда мақсадига эришди. У жинсий аъзоларидаги муаммолар туфайли Барилоче шахридаги қасалхонага келтирилиб операция қилинган эди. Операциядан сўнг ялангоч ҳолида кулига кишан урилган бемор қўриқчиларнинг эътиборсизликлари туфайли қочиб кетган. Редих илгари — 2001 йил сентябр ойида ҳам қамоқдан қочган бўлиб, 24 соат мобайнида қўлга олинган эди. Уни топшиш бўйича бу галги қидирув ишлари ҳеч қандай натижа бермаган. Ҳокимият вакилларининг тахминига кўра, у аллақачон мамлакатдан чиқиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

Маҳбусларнинг қамоқдан қочishi ҳар қандай давлатнинг полициясига ўзига яраша ташвиш келтиради. Яқинда Аргентинада шу билан боғлиқ гаройиб воқеа юз берди. Босқинчилик жаноятини содир этган маҳбусларнинг қамоқдан қочishi ҳар қандай давлатнинг полициясига ўзига яраша ташвиш келтиради. Яқинда Аргентинада шу билан боғлиқ гаройиб воқеа юз берди. Босқинчилик жаноятини содир этган маҳбусларнинг қамоқдан қочishi ҳар қандай давлатнинг полициясига ўзига яраша ташвиш келтиради.

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти марказий маҳкамаси жамоаси бўлим катта инспектори М. Ходжаевга отаси

**Фотхулло ХОДЖАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

**VO AJAB!**

### Қизил яхшимми, яшил?

Буюк Британиядаги бошланғич мактаблардан бирининг ўқитувчиларига ўқувчилар дафтарини текширишда қизил сиёҳ ишлатиш таъқиқланди. Энди улар яшил сиёҳ билан ишлайдилар.

Бу ҳақда мактаб маъмурияти маҳаллий ҳокимият билан маслаҳатлашмай, мустақил равишда қарор чиқарган. Мақсад ўқувчиларнинг қизил рангдан «азият чекишига» йўл қўймаслиқдир.

Таълимни бошқариш органлари вакилларининг фикрича, хато қизил ёки яшил ручкада тўриланадими — бунинг фарқи йўқ. Лекин барибир ўқувчиларнинг қизил рангдан безиб қолганлиги бор гап.

Янгиликка қарши чиқаётган кишиларнинг фикрига кўра эса, болалар тез орада қизил ранг нимани билдирси, яшили ҳам шунини билдиришини тушуниб етадилар. Бундан ташқари йўл қўйган хатолари ўқувчиларга яққол кўриниб туриши керак.

**БУҚУРБЎЙ ҲАССИМЛАР:**

- Қамма нарсалар кўра юқори ҳисобланган нарса йилми? Қайси нарса ҳеч вақти байрон бўлмайди? — деб сўрашдилар. Бўқурубўй ҳақим айтди!
- Қаммай қамма нарсалар юқори туғари. Агга билоси ҳеч вақти байрон бўлмайди.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси прокуратура ходими Г. Кимга онаси

**Анно КИМ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Хоразм вилоят прокуратураси ҳамда вилоят прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси жамоалари Гурлан тумани прокурори Қ. Рахимовга падари бузруквори

**Барди ҳожи РАХИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор қилади.